



Эрих ФРОММ

ИНСОН ҚАЛБИ

**Унинг эзгулик ва ёвузликка
бўлган лаёқати**



**ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016**



МУҚАДДИМА

Дастлабки асарларимда муурожаат қилинган ғоялар ушбу китобимда бироз кенгайтирилди. «Эркинликдан чекиниш»¹ китобимда садизм², мазохизм³ ва деструкцияланиш⁴ билан боғлиқ эркинлик муаммоларини тадқиқ қилган бўлсам-да, кейинчалик клиник тажрибалар ва назарий билимлар орқали шахс эркинлиги, унинг барбод бўлиши, тажовузкорликнинг турли кўринишлари, шахс структураси масалаларини чуқурроқ тушуна бошладим. Энди эса шахснинг барбод бўлиши учун хатарли, бир-бирига зид некрофилия⁵ ва биофилиянинг⁶ фарқига яхши бора оламан. «Инсон ўз манфаати йўлида» номли китобимда жамият томонидан кашф қилинган қонун ва урф-одатларни эмас, балки бизга маълум бўлган,

¹ «Эркинликдан чекиниш» – Э. Фроммнинг 1941 йили ёзилган шахс эркинлиги, унинг ижтимоий-психологик сабаблари ҳақидаги асари.

² Садизм – атама француз ёзувчиси ва сиёсатчиси Маркиз де Сад исмидан олинган бўлиб, бошқаларни камситиш ва азоб бериб лаззат олишни англатади.

³ Мазохизм – садизмнинг акси, атама австриялик ёзувчи Леопольд фон Захер-Мазох исмидан олинган.

⁴ Деструкцияланиш – нормал структуранинг бузилиши; бу ерда шахснинг бузилиши ҳақида.

⁵ Некрофилия – психологик бузуклик, яъни ўлаксахўрлик.

⁶ Биофилия – жонзотларга бўлган иштиёқ, интилиш.

инсон табиатида мавжуд одоб-ахлоқ меъёрларини муҳокама қилгандим. Ушбу китобимда айнан ўша муаммоларни: ёвузликнинг моҳиятини, эзгулик ва ёвузликка мойиллик, уларнинг қай бирини танлаш масалаларига алоҳида эътибор берган ҳолда тадқиқ қилишни давом этдирдим. Маълум маънода «Севги санъати» номли китобимда кўтарилган масалаларга зид бўлган, яъни инсоннинг «хақиқий севгига бўлган лаёқати» масалалари, уни шахс сифатида барбод бўлишига сабабчи бўлган нарциссизм¹ ва инцестуал интилиши масалаларини бош мавзу қилиб олдим.

Гарчи китобимда севмаслик масалаларига кенг ўрин берилган бўлса-да, унда кенг маънода ҳаётга бўлган севги ҳақида гап боради. Нарциссизмни енгиб, мустақил равишда тирик жонзотга бўлган севгида «ўсиш аломатлари» мавжудлигини, унга зид бўлган «парчаланиш аломатлари»ни эса некрофилия ва «инцестуал симбиоз»² ҳамда хатарли нарциссизмдан келиб чиқишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.

Нафақат клиник текширув-тажрибаларимдан, балки кейинги йилларда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ривожланиш ҳам шахснинг барбод бўлиши масалаларини чуқурроқ тадқиқ қилишга туртки бўлди. Атом уруши оқибатларини била туриб, бўлажак хавф-хатарларнинг олдини олмаслик масалалари кўплаб саволларни юзага чиқармоқда. «Совуқ уруш» ва атом билан қуролланиш пойгаси юксалиб бормоқда.

¹ *Нарциссизм* – психологик ҳолат, бунда шахс фақат ўзини ўзи яхши кўради.

² *Инцистуал симбиоз* – яқин қариндошларга бўлган иштиёқ, интилиш.

Саноат тараккий этган, техника ривожланиб бораётган даврда хаётга бўлган бундай бефарк муносабат мени ташвишга солаётгани сабабли бу масалаларни чуқуррок ўрганиш кўндаланг турибди. Одам бу дунёда буюмга айланиб қолди, шунинг натижаси ўларок, унинг хаётга нафрати тобора ортмоқда, деб бўлмаса-да, хаётга бефарк бўлиб бормоқда. Ҳозирги ёшлар орасидаги зўравонликка мойиллик, жинойтчилик, сиёсий котилликлар бу йўлдан қайтиш масаласини биринчи ўринга қўймоқда. Гарчи атом урушига йўл қўймасак-да, инсоният янги кўринишдаги ёввойиликка юз тутадими ёки инсонпарварлик анъаналари давом этиб, уйғониш даври келадими, деган савол келиб чикди.

Китобимда бу ҳақдаги муаммоларни муҳокама қилиш билан бирга психоаналитик тасаввурларим Фрейд¹ назариясига тўғри келадими-йўқми, шуни аниқламоқчиман; «маданият мактаби» дейиладими, менга фарқи йўқ, лекин шунга ўхшаш психоанализ «мактаб»ига каминани ҳам киритиб қўйишларига мутлақо қаршиман. Аминманки, бундай мактаблар яхши натижаларга эришди, лекин айримлари Фрейднинг энг муҳим кашфиётларини четга суриб қўйди. Мен «ортодоксал фрейдист» эмасман. Гап шундаки, 60 йил мобайнида ўзгармаган назария энди шу назария асосчисиники эмас, балки тошбитикларга айланиб қайтарилаверади, кейингиларига йўлланма беради. Ўз назариясига асос бўлган кашфиётини Фрейд маълум бир фалсафий тизимда, яъни асримиз бошларида шу оқимнинг издош-

¹ *Зигмунд Фрейд* (1856–1939) – австриялик психоаналитик, психиатр ва невролог.

лари бўлган кўпчилик табиатшунослар қатори механик материализм тизимида яратди. Фрейд ғояларини энди бошқа бир фалсафий тизим, яъни диалектик гуманизм асосида ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайман. Мазкур китобимда Фрейднинг «Эдип комплекси»¹, нарциссизм, ўлим сезгиси каби назарияларини яратишда ўз дунёкараши тизимини дастур қилиб олганлигини кўрсатдим. Агар уни янги тизимга йўналтирилса, ишончлироқ ва аҳамиятлироқ чиқишига уришиб кўрдим. Ўйлашимча, соғлом фикр билан аралаш-қуралаш бўлиб кетган, аёвсиз танқид, шафқатсиз воқелик ва ақл-идроқка асосланган эътиқод бирлашиб, пойдеворига Фрейд асос солган улкан иморатни самарали тиклаш ва раванк топишига имкон беради.

Яна бир мулоҳаза. Китобимдаги фикрларим психоаналитик сифатида клиник фаолиятимга (маълум даражада ижтимоий жараёнларда қатнашиб орттирган тажрибамга ҳам) асосланган. Шу билан бирга унда хужжатли материаллардан камроқ фойдаланилган, аммо мен бундай хужжатларга таяниб, гуманитар психоанализ назарияси ва тажрибасига оид иш ҳажмини кенгроқ олмоқчи эдим.

* * *

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ўзимнинг «Экзистанциал анализ» деб аталмиш психоанализ ҳақидаги назариямни Фрейднинг назариясига алмаштириб қўймоқчимасман. Фрейднинг бу ясама назарияси жудаям юзаки, бу тушунча Хайдеггер-

¹ «Эдип комплекси» – психик ҳолат: боланинг онага интилиши, шу билан боғлиқ равишда ўз отасини ёмон кўриши.

дан¹ ёки Сартрдан² (балки Гуссерлдан³) олинган бўлиб, клиник фактлар билан қўшиб синчиклаб ўрганилмаган. Бу гап машҳур «Экзистенциал психоаналитика»га ҳам, Сартрнинг психологик фояларига ҳам тааллуқли – гарчи улар юксак даражада шакллантирилган бўлса-да, жиддий клиник асос йўқ. Сартр ва Хейдеггер экзистенциализми янгининг бошланиши эмас, аксинча якуни. Ҳар иккиси ҳам ғарб одамининг Гитлер ва Сталин режими қулагач, ҳар икки жаҳон уруши фожиаларидан сўнг тушкунликка юз тутганлиги ҳақида гапирди. У ерда гап фақат тушкунлик ҳақидагина эмас, балки буржуазиянинг ашаддий эгоизми ва соллипсизм чақириқлари ҳақида ҳам гап боради. Нацизмга ён босган Хайдеггерни тушуниш мумкин, Сартр эса чалғитади – у ўзини марксист, келажак файласуфи деб ҳисоблайди, айти пайтда ўзи танқид қилаётган ва ўзгартирмоқчи бўлган қонунсиз, эгоистик жамиятнинг аъзоси бўлиб қолаверади. Биров томонидан ҳадя қилинмаган ва кафолат берилмаган ҳаёт мазмун-моҳияти нуқтаи назари эса кўп тизимларда бор, динларда – аввало буддавийликда. Барча инсонларни қаноатлантирадиган объектив қадриятлар йўқ, худбин зўравонликдан келиб чиқадиган эркинлик тушунчасигина бор, деб таъкидламоқчи бўлган Сартр ва унинг издошлари, илоҳий ва дунёвий динлар, оқимлар ва инсонпарварлик анъаналари эришган ютуқларини йўқотиб қўйган кўринади.

¹ *Мартин Хайдеггер* (1889–1976) – немис файласуфи.

² *Жан-Поль Сартр* (1905–1980) – француз файласуфи, адиби, драматурги, эссенависи, экзистенциализм асосчиларидан. «Ўқчиқ», «Борлик ва йўқлик», «Хона», «Девор», «Экзистенциализм – бу гуманизм» каби асарлари машҳур.

³ *Эдмунд Гуссерль* (1859–1938) – немис файласуфи, феноменология асосчиси.



I

ИНСОН БЎРИМИ ЁКИ ҚЎЙМИ?

Баъзи бир одамлар инсон – бу қўй деса, бошқалари – йиртқич бўри, деб ҳисоблашади. Ҳар иккала томон ҳам ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун қўплаб далиллар ва мисоллар келтириши мумкин. Инсонни қўй деб ҳисобловчилар, унинг ўзгалар буйруғини, гарчи ўз зарари эвазига бўлса-да, осонгина бажарадилар, деб кўрсатишади. Яна улар фақат вайронагарчиликдан бошқа ҳеч нарса келтирмайдиган урушларга ўз доҳийлари кетидан бораверадилар, улар тилидан чиққан ҳар бир сўзга, қанчалик бемаъни бўлмасин, ишонaveraдилар, деб ҳисоблашади. Қироллар ва руҳонийларнинг очикдан-очик дўқ-пўписаларидан тортиб то махфий равишда айёрлик билан йўлдан оздирувчи гапларига кириб, ҳар қандай номаъқулчиликларга қўл урадилар, дея қўшимча далил келтиришади. Кўпчилик одамлар, худди уйқусираган боладек, ишонувчан бўлишади. Кимдир таҳдид билан ёки тилёғламалик билан таъсир ўтказса, ўйламасдан унинг айтганларини бажараверадигандек кўринади. Оломон таъсирига учмасдан ўз эътиқоди бўйича иш кўрадиган одам истисно тариқасида учраши мумкин. Бундай одам келажак авлодлари таҳсинига сазовор бўлса-да, замондошлари орасида кулгига қолади.

Золим ҳукмдорлар бошқарув усулларини айнан шу асосда, яъни одамлар – қўйлар, деган тушунчага таяниб қурганлар. Айнан шу фикр одам-қўйлар учун йўлбошчилар (дохийлар) зарур деган катъий ишончни мустаҳкамлаган ва ҳукмдорлар учун кенг йўл очиб берган. Улар одоб-ахлоқ доирасида иш кўраётгандек бўлсаларда, баъзан ўта фожиавий воқеаларни келтириб чиқарганлар. Бошқарувни ўз қўлларига олиб, жавобгарлик ва эркинликни ижрочилардан соқит қилиб, одамларга истаган нарсаларини беришган.

Бошқа томондан қараганда, агар одамлар қўймижоз бўлса, нега ҳаётлари бунга зид тарзда? Инсоният тарихи қон билан битилган. Инсоният тарихида зўравонлик ҳеч қачон тўхтамаган – ким кучли бўлса, ўзига ўхшаганларни бўйсундириб келган. Талъат подшо¹ миллионлаб армонларни ўзи ўлдирмагандир? Нахотки, миллионлаб яҳудийларни Гитлер ўзи ўлдирган бўлса? Нахотки, Сталин миллионлаб сиёсий рақибларини ўзи ўлдирган? Йўқ! Улар ёлғиз эмасди: қўл остидаги минглаб одамлари нафақат ўз хоҳишлари билан, балки зўр қониқиш билан одамларни қийноққа солар, ўлдирардилар. Уруш пайтлари одамларни азобуқубатларга солиб, ғайриинсоний усуллар билан қийнаб ўлдиришлари, бошқа пайтларда уят-андишани йиғиштириб қўйиб, кучлилар ожизларга бераҳмлиқ қилаётганликларига ҳамма жойда дуч келмаянсизми? Азоб чекаётган одамларнинг оҳузорлари кўзларини кўр, қулоқларини қар қилиб олган кўпчиликнинг қалбига етиб бормаяпти-

¹ *Меҳмед Талъат подшо* (1874–1921) – Усмонли турк империяси ички ишлар вазири, сиёсий жинойтчи.

ку! Мутафаккирлардан бири бўлмиш Гоббс¹ бу ҳақда шундай хулоса чиқарди: инсон – инсон учун бўри. Хозирги кунда кўпчилигимиз, инсон азалдан ёвуз махлук, у ўзини ҳам, дунёни ҳам барбод қилишга мойил, қотиллик унинг сеvimли машғулоти, фақат ўзидан кучли қотилдангина кўрқади, деган хулосага келиб қолдик.

Нима бўлгандаям, ҳар икки томоннинг далиллари бизни ишонтиролмади. Майли, шахсан ўзимиз Сталин ёки Гитлер билан тенглашоладиган даражада юзхотир қилмайдиган, қотил бўлиши мумкин бўлган айрим кимсаларни учратганмиз ҳам дейлик, аммо бу жамиятдаги мавжуд қоида эмас, балки истисно тариқасида учрайдиганлар. Нахотки, ўзимизни ва кўпчиликни ташкил қилувчи оддий одамларни қўй терисини ёнинган бўри қаторига қўшсак, гўё вақти келиб халақит берувчи ҳолатдан чиқиб, ваҳший ҳайвонга айлансак? Буни рад қилиш қийин бўлса-да, юқоридаги фикрнинг йўналиши унчалик ишончли эмас. Кундалик ҳаётимизда шафқатсизлик ва садизмни намоён қилиш имкониятлари мавжуд, хаттоқи, кўпинча бунинг учун жазо олишдан чўчишга ҳам ҳожат йўқ. Шунга қарамадан, кўпчилик бунга йўл қўймади, учратган тақдирда ҳам унга нафрат билан қарайди.

Балки бундай «ажойиб» зиддиятни бошқача бир тушунтириш йўли бордир? Балки, соддалик билан айтганда, ўша озчиликни ташкил қилувчи бўрилар билан кўпчиликни ташкил қилувчи қўйларнинг ёнма-ён яшаётганлигидадир? Бўрилар ғажишга тайёр, қўйлар эса буйрукни бажаришга;

¹ *Томас Гоббс* (1588–1679) – инглиз материалист файласуфи.

бўрилар ўлдиришга, бўғишга мажбур қилади, кўйлар эса, бу нарса ёқиб тушганидан эмас, балки бўйсунитишни истаганликлари учун бажарадилар. Бундан ташқари бўрилар турли баҳона-сабабларни ўйлаб топадиларки, кўйлар бунга лаққа ишонадилар: гўёки эркинлик хавф остида, уни ҳимоя қилиш керак, нобуд бўлган болалар учун, аёлларнинг топталган ор-номуси учун ўч олиш керак. Бу жуда ишонарли чиқади, лекин кўплаб гумон ва шубҳалардан холи эмас. Бундай ҳолат инсониятнинг икки ирқдан – бўрилар ва кўйлардан иборат эканлигини билдирмайдими? Яна савол келиб чиқади – агар зўравонлик кўйларнинг табиатига хос бўлмаса, нима сабабдан муқаддас бурчларини баҳона қилаётган бўрилар қилмишларига осонгина кўниб, йўлдан озишади? Балки бўрилар ва кўйлар ҳақидаги гаплар ҳақиқатга тўғри келмас? Балки инсонга хос хусусиятлардан бири унинг бўримижозлигидир ва кўпчилик буни шунчаки сездирмасдан юрар? Балки унинг бошқача имконияти йўқдир? Балки инсон ҳам бўри, ҳам кўйдир ёки униси ҳам, буниси ҳам эмасдир?

Миллатлар ўз «душманлари»га нисбатан ўзлари учун ҳам ҳалокатли бўлган оммавий қирғин қуролларини қўллаш имконияти қидираётган ҳозирги кунда бундай масалаларга жавоб топиш ўта муҳимдир. Агар биз инсон табиатан вайрон қилишга мойил, зўравонлик унинг қонида бор, деган хулосага келсак, у ҳолда кучайиб бораётган шафқатсизликка бўлган қаршилигимиз тобора сусаяверади. Агар биз у ёки бу даражада бўри эканмиз, нима сабабдан бўриларга қарши туришимиз керак? «Инсон бўрими ёки кўйми?»

деган саволни бу масалага эътиборни кучайтириш мақсадида қўйдик. Фарб оламининг илоҳиёт ва фалсафий тафаккури асосини кенг маънода ҳам, умум моҳиятини ҳам шу масала ташкил қилади, яъни инсон моҳиятан ёвуз ва бузуқми ёки раҳмдил ва камолотга интилувчими? Бу борада Қадимий Аҳд инсонни моҳиятан бузуқ деб ҳисобламайди. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг Худодан адашишини гуноҳ деб билмайди. Итоатсизлик инсонни халокатга етаклайди, деган тасдиқ ҳам ҳеч қаерда йўқ. Аксинча, итоатсизлик инсонни ўзлигини англаш, ўз муаммосини ўзи хал қилишга шарт-шароит яратди, деган тушунча пайдо бўлди. Шундай қилиб, унинг дастлабки итоатсизлиги эркинликка қўйилган биринчи қадами бўлди. Худои Таоло ўзи шунга олдиндан изн берган кўринади. Пайғамбарлар айтишларича, инсоннинг жаннатдан қувилиши, ўз тарихини яратиш, инсон сифатида ўз куч-қудратини мустаҳкамлаш, ўзгалар ва табиат билан уйғунликка эришиш, шахс сифатида ўзлигини англаш, бўлажак муносабатларни ривожлантириш учун шароит яратди. Инсон шахс сифатида шаклланмаган давр ўрнини айнан шу уйғунлик эгаллади. Пайғамбарларнинг бундай халоскорона айтилган сўзлари инсон моҳиятан бузуқ эмаслигига ва ўзининг яхши қилмишлари ҳамда савоб ишларига кўра гуноҳлардан фориф бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Албатта, бу унинг эзгуликка бўлган қобилияти охир-оқибатда ғалаба билан яқунланади, дегани эмас. Инсон ёвузликка қўл ураркан, ўзи ҳам ёвузлашиб боради. Масалан, доимо ёвузликка қўл ураётган Фиръавннинг қалби ҳам тобора

ёвузлашиб борган. У шу даражада ёвузлашганки, вақти келиб қилмишларига тавба қилиб, ҳаётини янгитдан бошлашга умуман имконияти қолмаган. Қадимий Аҳдда ёвузликка келтирилган мисоллар адолат бобида келтирилган мисоллардан кам эмас, лекин Довуд подшоҳга¹ ўхшаш юксак сиймолар ҳақида истисно тарикасида ҳам бирор жойда мисол келтирилмаган. Қадимий Аҳдга кўра, инсон яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам мойил, лекин у ёвузлик ёки эзгулик, лаънат ва раҳмат, ҳаёт ёхуд ўлимдан бирини танлаши керак. Тангри эса инсоннинг бу ишига ҳеч қачон аралашмайди. У пайғамбарлар орқали яхши ишларга даъват қилади, ёвузлик ва эзгулик моҳиятини, савобга етишиш йўлларини кўрсатади, огохлантиради. Тушунган инсон ўз холича улардан бирини интилишига қараб танлайди ва ўз муаммосини ўзи хал қилади.

Насронийлик бу йўлдан бормади. Насронийлик ўрнатилган жойларда янгича нуқтаи назар қарор топди. Унга кўра, Одам Атонинг итоатсизлиги оғир гуноҳ деб топилди ва у ўзи ҳамда авлодлари табиатини хароб қилди. Энди у бузукликлардан ўз кучи билан қутулолмайдиган бўлди. Фақат Худонинг раҳм-шафқати, инсон учун жонини фидо қилган Исо Масих пайдо бўлиб, унга ишонган ва тавба қилганларни қутқарсагина гуноҳлардан халос бўлиши мумкин.

Ўз-ўзидан маълумки, дастлабки гуноҳ ҳақидаги ақида черковнинг ўзида ҳам торти-

¹ Довуд подшоҳ – эрамиздан олдинги Х асрдаги Исроил-Иудея давлати подшоҳи. Яхудий кабилаларини бирлаштириб, давлат барпо қилган.

шувларга сабаб бўлди. Унга Пелагий¹ қарши чиқди, лекин енголмади. Ренессанс даврида инсонпарварлар бу ақидани, кўпчилик бидъатлар қатори, черков орасида кескин бўлмаса-да, бироз енгиллаштирмоқчи бўлдилар. Тўғри, Лютер² инсонни азалдан разилликка ва бузукликка мойил эканлигига қатъий ишонган, лекин Ренессанс даври мутафаккирлари бунча қарши дадил ҳаракат бошладилар. Улар таъкидлашича, инсондаги барча ёвузлик ташқи таъсир оқибатида юзага келади, натижада унинг танлаш имконияти қолмайди. Ана шу ташқи таъсирлар бартараф қилинса, инсон яна ўз-ўзидан азалий эзгуликка қайтади, деб ишонишган. Мана шу нуқтаи назар Маркс ва унинг издошларига ҳам таъсир қилган. Ренессанс давридан бошланган мислсиз иктисодий ва сиёсий тараққиёт даврида шаклланган ўз-ўзини англаш принциплари инсоннинг эзгуликка мойиллиги азалий эканлигига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Биринчи жаҳон урушидан бошланган Фарб ахлоқининг барбод бўлиши Гитлер ва Сталин, Ковентри³ ва Хиросима элагидан ўтгач, инсоннинг азалий ёмонликка мойиллиги ҳақидаги тушунча яна-да кучайди ва инсониятни йўқ қилиш хавф-хатари ошди. Моҳиятан олганда, буни инсоннинг ёвузликка мойиллиги масаласига етарлича баҳо берилмаганлигига нисбатан жиддий жавоб, деса бўлади.

¹ *Пелагий* – (360–418) роҳиб, Ўрта Ер денгизи атрофларида тарқалган христиан таълимоти асосчиси.

² *Мартин Лютер* (1483–1546) – христиан илоҳиёт мутахассиси, Библияни немис тилига ўғирган асосий таржимон.

³ *Ковентри* – Уэст-Мидлендс инглиз графлигининг шарқида жойлашган шаҳар. 1940 йил 14 ноябрда немис авиацияси томонидан бомбардимон қилинган.

Бошқа томондан, бу инсонга бўлган ишончини йўқотмаганлар устидан мазах қилиш, ваҳоланки, бу нуқтаи назарни ёлғон деб билганлар, баъзан била туриб ёлғон тўқиганлар.

Кўпинча мени инсоннинг яширин ёвузликларига етарли баҳо бермаётганликда ноҳақ айблашади. Шунини таъкидламоқчиманки, мен келажакка ортиқча хиссиёт билан назар солишдан йироқман. Психоаналитика билан амалда узоқ тажриба ўтказган одам инсоннинг ўзини-ўзи барбод қилиш кучларига етарли баҳо бермаслиги мумкин эмас. Бундай кучлар оғир ётган беморларда намоён бўлишини, уларни тўхтатиб қолиш ёки керакли томонга йўналтириш жуда қийин эканлигини ҳам билади. Биринчи жаҳон урушидан бошлаб ёвузлик ва кучли газабнинг бирдан пайдо бўлиш ҳолларини бошдан кечирган одам бундай бузғунчи кучларнинг шиддати ва таъсири билмасдан иложи йўқ. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда зиёлиларни, ўртача одамларни чулғаб олган ожизлик шунга олиб келиши мумкин, оқибатда улар инсоннинг бузуқлиги, илк гуноҳ ҳақидаги янгича талқинни дастак қилиб, уни рационал йўналтириш, яъни инсоннинг ахволи шу бўлса, у ҳолда оқибати муқаррар уруш, деган чох ёқасига етаклайди.

Ҳақиқий реализм шу, деб мактаниш қуйидаги икки сабабга кўра хато ҳисобланади. Биринчидан, инсоннинг бузғунчилик томон ҳаракати енгиб бўлмайдиган тўсиқ ёки у етакчи куч, дегани эмас. Иккинчидан, уруш энг аввало, психологик кучлар таъсири остида содир бўладиган воқеа, деб қараш ҳам нотўғри. Ижтимоий ва сиёсий

муаммоларни тушунишда ёлфон психологизмга асосланиш керак эмас. Уруш жамиятдаги сиёсий, харбий ва иқтисодий соҳалардаги етакчиларнинг ўзга ерларни босиб олиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ёки савдода имтиёзга эга бўлиш, мамлакатни ҳақиқий ёки сохта хавфлардан химоя қилиш ёхуд обрў-эътибор ва шон-шарафга эга бўлиш мақсадидан келиб чиқади. Бундай етакчиларнинг ўртача одамлардан фарқи йўқ: улар худбиндирлар, ўзгаларнинг фойдасига ўз манфаатларидан ҳеч қачон воз кечишмайди, шу билан бирга ёвузлик ва шафқатсизликда ўртамиёнадирлар. Нормал ҳаётда улар ёвузликдан кўра эзгуликка мойилроқ бўлишади, лекин ҳукмдор бўлгач, миллионлаб инсонлар тақдири билан ўйнашади, ихтиёрида бўлган даҳшатли қурооллар билан жуда қатта зиён келтиришлари мумкин. Фуқаро сифатида ҳаётда ўз рақибларини хонавайрон қилиш эҳтимоли бор. Қудратли ва мустақил давлатлар мавжуд бўлган ҳозирги замонда («мустақил» дегани – ҳеч қандай одоб-ахлоқ қоидаларига бўйсунмайдиган, ўзга мустақил давлатларнинг эркини чеклаб қўядиган маънода) улар инсон зотини йўқ қилишлари мумкин. Инсониятга хавф туғдирувчи бош сабабчи – золим ва шафқатсиз одам эмас, балки ўртамиёна, фавқулодда чексиз ҳукмронликка эга бўлган одамдир. Лекин миллионлаб одамлар ўз ҳаётларини гаровга қўйиш ва қотилга айлантириш учун уларда нафрат, қаҳр-ғазаб, бузғунчилик ва кўркув ҳиссиётларини кўзғатиш керак. Улар қурооллантирилгач, уруш учун шарт-шароит яратилди ҳисоб. Шундаям улар ўз холича урушга сабабчи бўлолмайди, чунки уларнинг қуроолдан фарқи йўқ.

Кўпчилик атом урушининг оддий урушдан фарқи йўқ, деб хисоблайди. Ҳар биттаси юз минглаб одамлар ҳаётига зомин бўладиган атом бомбасини ҳаракатга келтирувчи тугмачани босадиган одам найза ёки пулемётда одам ўлдирган аскарга ўхшаш хиссиётларни бошидан кечирмаса керак. Гарчи у буйруқни бажардим, деган тақдирда ҳам қалбининг энг тубида даҳшатли хиссиётлар кечмасмикан, нахотки, шу даражадаги бузғунчиликка мен йўл қўйдим, деб ўйламасмикан? Ёки ҳаётга бўлган бефарқ муносабати қалбидан чуқурроқ жой олармикан?

Инсонни маълум мақсадга йўналтирувчи энг хавфли ва ёмон бўлган фавқулодда сабаблардан учтасини айтиб ўтсам: жонсиз (ўлик, жасад) ларга бўлган меҳр-муҳаббат, ашаддий нарциссизм ва симбиоз – инцестуал интилиш. Учласини қўшганда вайронагарчилик майллари аломатлари, яъни вайронагарчилик номи ила вайрон қилишга ундовчи, нафрат учун нафратга етакловчи истаклар келиб чиқади. Мен яна «юксалтирувчи майл аломатлари» бўлмиш жонзотларга бўлган меҳр-муҳаббат, инсонларга ва мустақилликка бўлган меҳр-муҳаббат ҳақида ҳам муҳокама юритмоқчиман. Фақат айрим одамлардагина юқоридаги икки аломатдан бири тўларивожланиши мумкин. Шубҳа йўқки, ҳар бир инсон ўзи танлаган йўлдан – тирикларга ёки ўликларга (жасадларга) меҳр-муҳаббат, эзгулик ёки ёвузлик йўлидан боради.



II

ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ТУРЛИ КЎРИНИШЛАРИ

Гарчи ушбу китоб асосан шахс барбод бўлишининг хавфли шакллари ҳақида бўлса-да, зўравонликнинг айрим кўринишлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдим. Бу муаммони муфассал муҳокама қилмоқчимасман, аммо унинг унчалик оғир бўлмаган шаклларини кўриб чиқиш барбод бўлишнинг ғайритабиий ва хавфли шаклларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Зўравонлик турларининг фарқи уни онгсизликда содир этилган сабабларига боғлиқ, чунки онгсизликда ўзни тутиш бизга аниқ бўлса, ўша пайтдаги феъл-атворни, келиб чиқишини, йўналишини, қувватлантирувчи кучларни ҳам билиб оламиз.

Зўравонликнинг энг мўътадил ва безарар шаклларидан бири — ўйиндаги зўравонликдир. Унда вайронагарчилик кўзда тутилмаган, нафрат ва барбод қилишга асосланмаган, балки эпчилликни намоёиш қилиш учун мўлжалланган. Бунга ибтидоий қабилалардаги уруш-уруш ўйинларидан тортиб то дзен-буддавийликдаги қилич уриштиришларгача бўлган кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Барча харбий ўйинларда душманни ўлдириш назарда тутилмаган, гарчи у ҳалок бўлган тақдирда ҳам айб ўзида бўлади: хато қилган, «белгиланган жойда турмаган». Албатта, ўйиндаги зўравонликда вайронагарчилик қилишга эрк берилмаган, дейилганда, бенуқсон ўйинлар назарда тутилган. Амалда ўйин қоидалари ортида ғайритабиий тажовузкорлик ва вайронагар-

чилик аломатлари борлигини пайқаб қоламиз. Шундай бўлган тақдирда ҳам мақсад вайронагарчилик эмас, балки эпчиллик ва чаққонликни намойиш қилиш.

Реактив (ташки таъсирга жавоб бера оладиган) зўравонлик муҳим тажрибавий аҳамиятга эга. Бундай зўравонликни ҳаётини, эркини, кадр-қимматини, ўзининг ёки ўзганинг мулкани ҳимоя қилиш деб тушунаман. Унинг ортида кўрқув ётади ва у жуда кўп учрайди — бу кўрқув ҳақиқий ёки сохта, англашилган ёки англашилмаган бўлиши мумкин. Зўравонликнинг бундай тури ҳаётни ҳимоя қилишга хизмат қилади, ўлимга эмас, яъни вайронагарчиликка қаратилмаган. У нафақат мантиқсиз эхтиросдан келиб чиқади, балки кайсидир даражада ўйлаб амалга оширилган ҳам бўлиши мумкин, яъни мақсад ва ҳаракат уйғун келади. Юксак маънавият нуқтаи назаридан қарасак, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида одам ўлдириш ҳам қотиллик ҳисобланади ва буни оқлаб бўлмайди, деган хулосага қарши туриш мумкин. Бундай маслак тарафдорларининг кўпчилиги ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида куч ишлатиш моҳиятан бузғунчиликка қаратилган зўравонлик эмаслигини тасдиқласа керак.

Кўпинча хавф-хатарни сезиш ва ундан келиб чиқадиган реактив зўравонлик ҳақиқий далилларга эмас, фикрнинг нотўғри йўналишига, хийла-найрангларга асосланади. Сиёсий ва диний арбоблар ўз тарафдорларини қандайдир душман хавф туғдираётганлигига ишонтириб, шахснинг реактив зўравонлик ҳиссиётини қўзғатади. Капиталистик ва коммунистик ҳукуматлар, рим-

католик черкови адолатли ва адолатсиз уруш фарқини тушунтирмоқчи бўладилар, лекин бу жудаям шубҳали, чунки карама-қарши томонларнинг ҳар бири ўз фикрини маъқуллаб, хужумга қарши ўзимизни ҳимоя қилдик, деб туриб олади¹. Буни ҳимоя мақсадидаги уруш, деб бўлмаганидек, босқинчилик уруши дейиш ҳам кийин. Одатда бу масалани ғалаба қилган томон белгилайди, баъзан эса ҳақиқий баҳони тарих белгилайди, ўшандаям орадан анча даврлар ўтгач. Ҳар қандай урушни ҳимоя мақсадидаги уруш деб бир ёқлама баҳо бериш қуйидагиларни намоён қилади: биринчидан, кўпчилик одамларни, ҳар ҳолда маданийлашган мамлакатларда, ўлим ва вайронагарчилик келтирувчи урушга осонгина кўндириб бўлмайди, уларни олдиндан ҳаёти ва эркинлиги учун курашишларига ишонтириш керак. Иккинчидан, миллионлаб одамларни гўёки четдан келаётган хавф-хатардан ҳимояга отлантириш осонроқ кўчади. Ўзгалар таъсирига тушиб қолишнинг сабаблари – аввало шахснинг мустақил фикрлаёлмаслиги, шунингдек, кўпчилик сиёсий арбоблар таъсирига тушиб, уларга қарам бўлиб қолишлигидадир. Агар шундай қарамлик мавжуд бўлса, келтирилган далилларга ишонтириш осонроқ кўчади, ёлғонни ҳам рост деб қабул қилаверадилар. Хавф-хатар ҳақиқий ёки сохта эканлигининг ҳам аҳамияти йўқ. Одамлар ўз ҳаётини хавф-хатар остида сезадилар ва ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ўлдириш-у, вайрон қилишга тайёр турадилар. Бундай ҳолатни

¹ 1939 йили Гитлер Польшага уюштирган хужумни, партизанлардан ўзимизни ҳимоя қилдик, бу эса адолатли уруш, деган.

таъқиб васвасасига тушиб қолган рухий беморларда учратамиз, лекин гуруҳда эмас, алоҳида шахсларда. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шахс хавфхатарни субъектив хис қилади ва унга жавобан тажовузкор бўлиб қолади.

Реактив зўравонликнинг бошқа бир тури фрустрация¹ орқали пайдо бўлади. Тажовузкорлик ҳолатини хайвонларда, болаларда ва катталарда, уларнинг истак-хоҳиши ва эҳтиёжлари қаноатлантирилмай қолганда кузатиш мумкин. Бундай тажовузкорлик ўша етишолмаган нарсани куч билан тортиб олишга, истагига эришишга қаратилган, кўпинча беҳуда ҳаракатда намоён бўлади. Шундай бўлса-да, буни вайронагарчиликка қаратилган тажовузкорлик деб бўлмайди, балки ҳаётимизда учраб турадиган ходисалар деб тушунамиз. Кўплаб жамиятларда бундай ҳолатлар илгарилари ҳам, ҳозир ҳам оддий ходисалар каби қабул қилинади ва унинг оқибатида доимий равишда келиб чиқадиган зўравонлик ва тажовузкорликка хайрон бўлиш керак эмас.

Фрустрациядан келиб чиқадиган тажовузкорликни ҳасад ва рашк туфайли келиб чиқадиган душманлик (адоват) руҳига қиёслаш мумкин. Рашк ҳам, ҳасад ҳам фрустрациянинг ўзига хос кўринишларидан. Айтайлик, А эгалик қилмоқчи бўлган нарса унда йўқ, Б да эса айнан ўша нарса бор ёки Б ни бир аёл севади. А эса айнан ўша аёлга етишиш истагида. Ана ўшанда А да Б га нисбатан нафрат ва душманлик кайфияти уйғонади, чунки Б етишган нарса А

¹ *Фрустрация* – психологик ҳолат; омадсизлик, мақсадга етолмаслик каби ҳолатлар.

да йўқ. Ҳасад ва рашк – бу фрустрация, А ўз истагига эришолмаганидангина эмас, у орзу қилган нарсаларни ўзга одам эгаллаб, фойдаланиб ётибди – шуниси алам қилади. Ўз укасини ўлдирган Қобил ҳақидаги хикоя, Юсуф ва унинг ака-укалари ҳақидаги хикоя рашк ва ҳасаднинг мумтоз намуналари ҳисобланади. Психоаналитикага оид адабиётларда бундай фавқулодда ҳодисалар ҳақидаги клиник маълумотлар тўлиб-тошиб ётибди.

Кейинги тур, гарчи реактив зўравонликка ўхшаш бўлса-да, ғайритабиий ҳолатга яқинроқ – бу қасд олишдаги зўравонлик. Реактив зўравонликда гап хавф-хатардан ҳимояланиш ҳақида, яъни ҳар қандай жонзотнинг тирик қолишга қаратилган табиий вазифаси ҳақида кетади. Қасд олишдаги зўравонликда эса, аксинча, шикаст етказиб бўлинган, демак, табиий вазифага кирмайди. Энди у иррационал, яъни қонун-қоидадан ташқарида, гўё қандайдир сеҳржоду йўли билан бўлиб ўтган воқеадан олдинги дастлабки ҳолатига қайтармоқчи бўлишади. Қасддаги зўравонликни алоҳида шахсларда, оддий ва маданийлашган гуруҳларда кузатиш мумкин. Агар бундай турдаги зўравонликнинг иррационал хусусиятларини таҳлил қилиб кўрсак, яна бир қадам олдинга силжиш бўларди.

Ожиз ва ногирон одам ўзининг поймол бўлган ҳурмат-иззати учун ҳурматсизлик кўрсатиш йўли билан ўч олиши мумкин. Фаол ҳаёт кечириётган одамнинг эса бунга эҳтиёжи йўқ. Уни камситган, ҳақорат қилган ёки жароҳат етказишганда ҳам айнан шу фаоллиги туфайли ўтган хафагарчиликларни унутади. Унинг ижодкорлик

қобилияти қасд олиш истагидан устун чиқади. Бу таҳлилнинг тўғри эканлиги ўтказилган тажрибалар натижасини ҳам алоҳида шахсда, ҳам ижтимоий соҳада қўлланганда тасдиқланади. Психоаналитик материаллар шуни кўрсатдики, фаол инсонда ўч олиш истаги тўлақонли ҳаёт кечиришдан маҳрум бўлган неврастеникларга¹ нисбатан пастроқ даражада бўлади. Кейингилари ўз ҳаётини тикиб бўлса ҳам ўч олиш истагида юради. Психик касалликнинг офир кўринишларида ўч олиш истаги ҳаётининг мазмунига айланади, чунки ўч ололмаса, нафақат ўз хурматини сақлаш, қадрини билиш, ҳатто инсонга хос хусусиятлари ҳам барбод бўлиши хавфи туғилади. Яна шуни қайд қилиш лозимки, алоҳида гуруҳларда (иктисодий, маданий ёки ҳис-туйғулар муносабатида) ўч олиш хисси (масалан, миллат мағлубиятида) кучлироқ бўлади. Мисол учун, саноати тараққий этган мамлакатлардаги майда буржуазия аҳволи ёмонлашади ва кўп мамлакатларда айнан ўшалар миллатчилик, ирқчилик ва ўч олиш ҳис-туйғуларини ривожлантириш ўчоғи бўлиб хизмат қилади. Очiq сўров натижасида ўч олиш хиссиётининг ўсиши билан иктисодий ва маданий қашшоқлашув орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд эканлигини осонлик билан аниқлаш мумкин. Ибтидоий жамиятларда ўч олиш масаласини тушунтириш қийинроқ. Уларнинг кўпларида ўч олиш хисси бўлиб, оммалашиб боришини кузатиш мумкин, яъни қабиланинг бир аъзосига етказилган зарар учун

¹ *Неврастения* – асаб тизимининг издан чикиши билан боғлиқ патологик ҳолат; неврастеник – шу касалликка йўлиққан одам.

қабиланинг барча аъзолари ўч олишга мажбур. Бу ерда иккита муҳим омил ҳал қилувчи роль ўйнайди. Биринчиси, рухий кашшоқлик, яъни йўқотилганнинг ўрнини тўлдириш деган тушунчанинг ҳукмронлиги. Иккинчиси – нарциссизм. Ушбу мавзунини эса ҳозирча қуйидагилар билан чеклаймиз: ибтидоий гуруҳда мавжуд бўлган жадал ўсиб боровчи нарциссизм гуруҳ аъзоларини ҳар қандай шахсий фикрини йўққа чиқариб, уларга зарарли таъсир ўтказди ва душманлик кайфиятини кучайтиради.

Қасд олишдаги зўравонликка яқин бўлган таркибий емирилиш «эътиқод емирилиши»дир. У болалар ҳаётида тез-тез учраб туради. Хўш, «эътиқод емирилиши» нима ўзи?

Бола ўз ҳаётини меҳр-мухаббат, эзгулик ва адолат тушунчаси билан бошлайди. Эмизикли бола умуман ҳаётини тўлалигича онаси ихтиёрига топширади: оч қолганда онаси уни эмизади, совуқда бағрига босади, касал бўлганда парвариш қилади – хуллас, бола онасига тўла ишонади. Бундай ишонч отасига, бувиси ва бобосига, бошқа бирор яқинларига, шунингдек, Худога нисбатан ҳам бўлади. Кўпинча болалардаги бундай ишонч анча барвақтроқ юзага келади. Баъзан муҳим нарсалар тўғрисида отаси ёлғон гапирётганини эшитади; онаси олдида отаси қайсидир масалаларда унга ён бераётганини, енгилаетганини кўриб туради; отаси унда ўзи ўйлаганчалик даражада қудратли эмасдек, деган таассурот қолдиради – бундан бола тасаввурлари ўзгаради. Аммо боланинг хотиржамлигини таъминлаш ўз вазифаси эканлигини унутган ота-она эса унга эътибор бермайди, бу ҳақда